



ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛИДИНИ ОЛИШДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИ РОЛИ

Алтмишев Темурбек Хамзаевич

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Позилжонов Абдулазиз Қобилжон ўғли

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10441916>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-December 2023 yil

Ma'qullandi: 25- December 2023 yil

Nashr qilindi: 29- December 2023 yil

KEY WORDS

*оила, турмуш, пробация
хизмати, ҳуқуқбузарлик,
жиноят.*

ABSTRACT

Ушбу мақолада оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда пробация хизмати ўрни ва вазифалари ҳақида мулоҳаза қилиниб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар баён қилинади.

Жамиятда муқаддас ҳисобланувчи, оилавий муносабатларга таҳдид солувчи, уни издан чиқарувчи, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ўрганиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади¹.

Оила тор маиший тушунча эмас. У ижтимоий жамоадир. Бинобарин, оила жамиятнинг бир бўлагидир. Ўз навбатида оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади. “Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик” “оила”, “турмуш”, “оила-турмуш муносабатлари”, “оила-турмуш доираси” ва “ҳуқуқбузарлик” каби тушунчаларнинг бирикмасидан ташкил топган. Изоҳли луғатларда “оила” (бола-чақа, хонадон, уруғ, авлод) сўзи оддийгина “эр-хотин”, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи “хонадон” деб таърифланади².

Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва ахлоқий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги саналади. Оила азалдан бизнинг халқимиз учун муқаддас тушунча бўлиб келган. Зеро, ҳар биримиз оилада улғайиб камол топганмиз.

¹ Умирзаков Б. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 166-170.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати /80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / www.ziyouz.com / кутубхонаси. – Б. 469.

Жамиятда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш, мамлакатни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг энг устувор вазифаси ҳисобланади. Айнан шу мақсадларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳаллаларда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизими кучайтирилиб, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлақонли жорий этилишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Маҳалла раислари томонидан маҳалладаги муаммолар уйма-уй юриш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари орқали аниқланиб, мавжуд муаммолар тоифаларга ажратилган ҳолда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторлари ва бошқа давлат органларига йўналтирилмоқда³

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги шахслар томонидан бир-бирига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар деганда оилада унинг аъзолари ўртасида содир этиладиган низо, келишмовчилик ва жанжаллар оқибатида (эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил ва бошқалар ўртасида) юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар тушунилади. Бу тоифадаги оилаларни амалдаги қонун ҳужжатларида ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган оилалар деб эътироф этилади. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила – бу ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оилалар. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ўрганилиши жараёнида асосан эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Чунки оила муҳити мувозанатини эр-хотин сақлаб туради. Мазкур соҳада содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оилавий низоларнинг асосий қисми эр-хотин ўртасидаги низоларни ташкил этади.

Ҳўш савол туғилади оила турмуш доирасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда пробация хизматини роли қандай? Ушбу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4006-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибларида тегишлича Пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — пробация бўлинмалари) ташкил этилди.

Ушбу хизматнинг асосий вазифалари назаримизда қуйидагилар:

³ Ганиев Ш.Н. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тушунчаси //ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali. – 2023. – Т. 3. – №. 10. – С. 99-103.

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш;
назорати остидаги шахслар билан ишлашда қонун устуворлигини таъминлаш;
назорат остидаги шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат.

Фикримизча, оила турмуш дорисида ҳуқуқбузарликларни содир этувчи шахслар асосан муқаддам судланганлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилса, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган вояга етмаганлар содир этишмоқда.

Сўзимиз исботи сифатида, 2021 йилда пробация бўлинмалари назорати остидаги шахслар томонидан 1086 та жиноят содир этилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 845 тани, 2023 йилнинг 9 ойида эса 353 тани ташкил⁴ қилган. Бўлса булардан деярли 40 фоизи оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар сирасига киради.

Ҳозирги кунда пробация бўлими ходимлари томонидан, белгиланган вазифани амалга ошириш ва назоратда турган шахслар томонидан қайта жиноятларни олдини олиш мақсадида, назорат остида турган шахсларни 3 тоифага ажратилди. Булар:

тузалиш йўлига ўтган;

жиноят содир этишга мойил;

ижтимоий хавфи юқори бўлган шахсларга ажратган ҳолда тарбиявий профилактик ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу назорат остидаги шахсларни оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаби ишсизлик ҳисобланади. Ушбу жиноятларни олдини олиш ечими сифатида Сурхондарё вилоятида пробация ҳисобида турган бир гуруҳ шахслар маҳаллалардаги жамоатчилик ишларига ишга жойлаштирилди. Икки нафарига касб-хунар эгаллаши учун йўлланма берилди. Шунингдек, ички ишлар бўлими жамоат хавфсизлиги хизмати пробация гуруҳи ҳисобида турган назорат остидаги ёшлар ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақа ўтказди⁵.

Хулоса қилиб айтганда, оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда пробасия инспекторлари томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда ғоят муҳим ўринда туради. Энг асосийси, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши давлатнинг бош мақсадига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва

⁴ Пробация назоратидаги шахсларга электрон браслет тақиш ва ечиш тартиби белгиланмоқда. Электрон манба: <https://kun.uz/news/2023/10/27/probatsiya-nazoratidagi-shaxslarga-elektron-braslet-taqish-va-yechish-tartibi-belgilanmoqda>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.

⁵ Пробация гуруҳи ҳисобидаги шахслар ижтимоий ҳаётга мослашмоқда. Электрон манба: https://uza.uz/uz/posts/probatsiya-guruhi-hisobidagi-shaxslar-izhtimoiy-hayotga-moslashmoqda_549553. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.

манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолмаслик” тамойили⁶ амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умирзаков Б. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 166-170.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати /80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / www.ziyouz.com / кутубхонаси. – Б. 469.
3. Ганиев Ш.Н. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар тушунчаси //ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali. – 2023. – Т. 3. – №. 10. – С. 99-103.
4. Пробация назоратидаги шахсларга электрон браслет тақиш ва ечиш тартиби белгиланмоқда. Электрон манба: <https://kun.uz/news/2023/10/27/probatsiya-nazoratidagi-shaxslarga-elektron-braslet-taqish-va-yechish-tartibi-belgilanmoqda>. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.
5. Пробация гуруҳи ҳисобидаги шахслар ижтимоий ҳаётга мослашмоқда. Электрон манба: https://uza.uz/uz/posts/probatsiya-guruhi-hisobidagi-shaxslar-izhtimoiy-hayotga-moslashmoqda_549553. Мурожаат вақти: 29.12.2023 й.
6. Ш.М.Мирзиёев.Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 61-бет

INNOVATIVE
ACADEMY

⁶ Ш.М.Мирзиёев.Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 61-бет